

Кўп бериладиган саволлар

Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир. Электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланиш, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимдир. Электрон тижоратнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. электрон тижоратда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлиги;
2. электрон тижоратда шартномалар тузишнинг ихтиёрийлиги;
3. электрон тижоратда иштирок этиш шарт-шароитларининг тенглиги;
4. электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши.